Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ибратли бўлиб, Шимолий Корея ва Хитоёда интернетдан фойдаланиш қатъий чекланиши расман ўрнатилган. Аммо, буни амалга ошириш мураккаб бўлиб, у мамлакатимизда ривожланаётган сўнгги 10-15 йил давомида турмушимизга чуқур кириб улгурган. Шунингдек, таъқиқ ёки чекловларни амалга ошириш қатта молиявий сарфларни талаб этади. Чунки, тезкор электрон почта хизмати ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сабаби, бир фурсатда дунёнинг нарғи бурчига хат жўнатишнинг интернет каби гениал усули ҳали кашф этилмаган.

Аммо, инсониятнинг ушбу ютуғидан рухиятга ва жисмоний соғлиққа зарар етказмаган ҳолда ўринли фойдаланишнинг уддасидан чиқиш қийин масала бўлиб қолмоқда. Бу мураккаб вазият албатта ёш инсондан қатор хусусиятларга эгалликни талаб этади. Ёки интернетнинг салбий таъсирига тушиб қолмасликда бизнинг тадқиқотларимизга кўра, аввало ахборот хуружларида ҳам ўз инсоний қиёфасини йўқотмасликка асос бўлувчи қуйидаги сифатлар талаб этилар экан. Булар "кенг дунёқараш" (56%), "юқори маънавият" (53%), "кучли ирода" (42,7%), "ижтимоий-сиёсий онг ва маданиятнинг юқорилиги" (52,9%), "аниқ ва мақсадли ҳаётий позицияга эғалик" (28,5%), "ҳуқуқий саводхонлик" (32,8%), "ижтимоий меъёрлари ва жонли мулоқот афзалликларини англаш" (33%).

Шунингдек, "миллий қадриятлар ва анъаналарни қадрлаш" (52,7%) ва "тубанликка етакловчи ҳаёсиз ва хатарли ахборотларга салбий муносабат" (27,2%) ҳам ёшларни ҳимояловчи мезонлар сифатида кўрсатилган.

Интернет кундан кунга ривожланиб, таклиф этилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бормоқда. Унинг ашаддий ихлосмандлари устидан назоратнинг радикал усуллари ўрнатилмаса жамият қисқа фурсатларда деградацияга учраши турган гап. Айниқса, интернетдан фойдаланишнинг эркинлиги ва унинг устидан назорат ўрнатиш иложсизлиги амалда жуда катта социал муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки, сўнгги 10-15 йил давомида ҳеч бир тўсиқларсиз интернетга эркин ташриф буюрувчилар миқдори геометрик тарзда ўсди [3, б. 224-225].

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз ва хорижий давлатларда оммавий ахборот воситаларининг турли шакллари ва интернетнинг ёшларга таъсири амалий ўрганилиб, яхлит хулосага келинди, яъни, замонавий жамият тараққиётидан тортиб инсоннинг кундалик турмушини интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатга айланиб улгурди. Бунга баъзан унинг ўрнини боса оладиган даражада тараққий этган бошқа турдаги воситалар ихтиро этилмаганлиги, мавжудлари эса интернетнинг улкан имкониятлари олида ожизлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Биргина ёшлар орасида мутаола қобилиятининг тушиб кетаётганлиги нафақат электрон кутубхоналарнинг ривожланганлиги, балки кутубхоналарнинг йўқлиги ёки мавжудларида тегишли адабиётларни доим ҳам топиб бўлмаслиги. Ёшларни яна интернет хизматларига мурожаат этишларига туртки бўлмоқда. Айниқса, таълим муассасаларидаги кутубхоналарнинг заҳиралари етарли эмас. Аммо, интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш

билан унинг салбий таъсирларини бартараф этиб бўлмайди. Бу ўринда ёшлар фойдаланаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот хавфсизлиги-бу ахборотдан фойдаланувчиларга ва кўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ҳимояланганлигидир. Бунинг учун ёшларни интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиши ва унинг фойдали манбалар асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, гаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокни шакллантириш лозим. Бунинг учун қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, социопсихологик методикалар асосида ўқувчи-ёшларнинг ёт гоьлар таъсирига тшиб қолишларида туртки бўлувчи социал муаммолар, уларнинг ахборот хавфсизлигига оид билим савияси, ахборотни филтёрлаш кўникмалари, унинг замонавий манбаларига тобелик даражасини ташҳислаш.

Иккинчидан, назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида вояга етмаганларнинг социопсихологик образини яратиш, уларнинг социал мобилилигига туртки бўлувчи мотивларнинг иерархик моделини ҳосил қилиш.

Учинчидан, ахборот таҳдидларига қарши социопсихологик иммунитетни мустаҳкамлашнинг илгор механизмлари ва технологиялари бўйича ўқув-услубий модулларни ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махмудова М.М., Хусанова Х.Т., Камилов Ф.О. Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг социологик таҳлили. - Тошкент: Complex Print, 2018. - С.46.
2. Бондаренко С.А. Информационная стратификация в информационном обществе. // Информационное общество. 2010. №6. - С.16.
3. Усманова З.Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар. науч. конф. - СПб.: Реноме, 2012. - С. 222-224.
4. Современная молодёжь. www.pro-net. Дата посещения 2019. 15.01. - С. 24-25.
5. Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар, маънавият, социал мўлжаллар. Ахборот-аналитик шарҳ. - Тошкент, 2013.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Абдухалилов Абдулла Абдухалилович
PhD, Национальный университет Узбекистана

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ
КАЧЕСТВА ЖИЗНИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-9>

АННОТАЦИЯ

В данной статье автором были рассмотрены различные трактовки понятия занятости и безработицы, раскрыты современные модели, применяемые государствами в процессе управления занятостью. Также автором были даны предложения, направленные на повышение качества управления сферы занятости в Узбекистане.

Ключевые слова: Занятость, безработица, экономика, государство, государственное управление, качество жизни.

Abdualilov Abdulla Abdulkhalilovich
PhD, O'zbekiston Milliy universiteti

**AHOLINI ISH BILAN TA'MINLASH - HAYOTNING SIFATINI OSHIRISH
OMILLI**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф томонидан бандлик ва ишсизликнинг турли хил таърифлари кўриб чиқилган. Шунингдек бандликни бошқаришга доир замонавий моделлар ёритилган. Ўз мақоласида муаллиф Ўзбекистонда бандлик жараёнларини бошқариш сифатини оширишга доир таклиф ва тавсияларини берган.

Калит сўзлар: Бандлик, ишсизлик, иқтисодиёт, давлат, давлат бошқаруви, турмуш сифати.

Abdulkhalilov Abdulla Abdulkhalilovich
PhD, National University of Uzbekistan

**ENSURING EMPLOYMENT OF POPULATION AS A FACTOR OF IMPROVING
THE QUALITY OF LIFE**

ANNOTATION

In this article, the author reviewed various interpretations of the concept of employment and unemployment, revealed the current models used by states in the employment management process. The author also gave suggestions aimed at improving the quality of employment management in Uzbekistan.

Key words: Employment, unemployment, economy, state, government, quality of life.

Современные процессы трансформации социально-политической, экономической жизни общества сегодня порождают новые сложные проблемы, требующие своего неотложного решения. Одной из таких проблем является обеспечение занятости населения. Именно занятость выступает одним из ключевых индикаторов стабильности общества, а также устойчивого социально-экономического развития. Это в свою очередь актуализирует разработку и реализацию всеми государствами мира, в том числе и Республикой Узбекистан, новых парадигм и прикладных моделей эффективного управления процессами занятости.

Необходимо отметить, что в процессе модернизации в Узбекистане, как и во многих странах мира, большое внимание уделяется повышению эффективности государственной политики в области занятости. Например, парламентом страны с 2014 года принимаются государственные программы в сфере занятости, а также происходит стимулирование заместителей хокимов районов по обеспечению занятости населения. В стране созданы много целевых программ, направленных на повышение качества жизни и повышение занятости населения.

Как известно, эффективная реализация любой программы требует всестороннего мониторинга, а также научного анализа и разработки оптимальных механизмов повышения эффективности государственной политики.

Сегодня в науке существует широкая палитра определения занятости и безработицы. Синтезируя определения, данные исследователями, можно определить понятие занятости следующим образом: занятость - это деятельность граждан, связанная с удовлетворением личных и общественных потребностей, которая, как правило, приносит им доход в денежной или иной форме в виде заработной платы. Безработными считаются граждане трудоспособного возраста, которые по независящим от них причинам не имеют заработка (трудового дохода). Зарегистрированные в государственной службе занятости ищут новую работу и готовы приступить к работе [3, с.48].

В научной литературе безработица определяется, а также рассматривается, как результат макроэкономических колебаний в разные периоды социально-экономической жизни общества. Необходимо отметить, что безработица является результатом недоиспользования в экономике страны человеческих ресурсов. Следовательно, оно является фактором уменьшения ВВП. Также, безработица - это количество людей с уменьшенной платежеспособностью, что приводит к уменьшению совокупного спроса.

Сегодня, по мнению многих экономистов, общее количество безработицы формируется четырьмя потоками: за счет работников потерявших работу; за счет структурной перестройки экономики в период кризиса; за счет работников, которые оставили работу добровольно; за счет неработающих, которые впервые появились на рынке труда в поисках работы (выпускники школ, учебных заведений); за счет неработающих, которые повторно появляются на рынке труда, поскольку рыночная экономика основывается на свободном выборе деятельности. Считается, что естественный уровень безработицы является величиной переменной, которая зависит от уровня благосостояния населения, применяемых технологий правительственной политики в сфере новой социальной защиты. Принято считать, что естественный уровень безработицы составляет 5,5% от общей численности трудоспособного населения.

При изучении проблем макроэкономического равновесия выделяют различные виды безработицы: фрикционную, структурную и циклическую.

Проблема фрикционной безработицы – это проблема длительности пребывания, определенного количества людей без работы. В промежутке, когда они оставили работу и не устроились на другую.

Структурная безработица связана с изменением спроса на труд. Поскольку спрос на труд определяется изменением спроса на товар. Структурная безработица выявляется изменением на рынке товаров и услуг. К последним относится изменение вкусов и предпочтений, изменений инвестиционных потоков, создания новых товаров, разделение труда и т.д. Циклическая безработица: ее принято рассматривать как прямое следствие недостаточного спроса, что превышает естественно время безработицы. Также необходимо отметить, что экономическая теория нам говорит о том, что увеличение потребительских расходов приводит к сокращению безработицы [1, с.57].

Сегодня говорят о следующих моделях политики занятости, которые используются в мировой практике. Ученными выделяется четыре основные модели: американская, скандинавская, европейская, японская [2]:

1. Одной из известных моделей, практикуемых во многих странах мира, является американская модель политики занятости. Она подразумевает создание большого количества рабочих мест с низкой производительностью и низким уровнем оплаты труда. Основное достижение данной модели является сокращение безработицы в стране, рост количества населения с невысокими доходами. Отличительной чертой американской модели является децентрализация законодательства в сфере занятости и помощи безработным, которые принимаются в каждом штате.

В организации действуют достаточно жесткое отношение к сотрудникам, которых могут уволить в случае необходимости в соответствии с сокращением труда или производства. При этом продолжительность рабочего времени сотрудника изменяется. Извещение работника об увольнении, осуществляется непосредственно перед увольнением заблаговременно. Коллективные договоры заключаются только с частью работников, как правило, не более четверти общего числа работников. Исключение составляют, как правило, уникальные специалисты. Такая политика занятости приводит к высокой географической и профессиональной мобильности сотрудников.

2. Скандинавская модель. Она обеспечивает всеобщую занятость путем создания рабочих мест в государственном секторе. Оплата труда и условия работы находится на среднем уровне. К достижениям данной модели можно отнести минимальный уровень безработицы. Отличительной чертой данной модели можно назвать то, что главным направлением политики в сфере занятости является упреждение безработицы. Полная занятость в стране достигается следующими мерами: ограничение фискальной политики, направленная на оказание помощи менее прибыльным организациям, сдерживание роста прибыли высокодоходных предприятий с целью снижения их монополии между компаниями в процессе повышения заработной платы устанавливаются отношения солидарности.

3. Для третьей (европейской модели) политики в сфере занятости характерно сокращение числа занятых при повышении производительности труда. Дорогостоящая система пособий, которая позволяет гражданину достаточно долгое время находиться в статусе безработного.

4. Последняя модель, японская, характеризуется системой пожизненного найма, занятость постоянного работника до достижения возраста 55-60 лет. Карьера сотрудников строится по заранее утвержденному плану, предполагающему прохождение курсов повышения квалификации, продвижение по служебной лестнице. Подобная тактика влияет на благоприятное восприятие работниками своих обязанностей, повышает их ответственность за качество их работы. У сотрудников японских фирм формируется забота о престиже предприятия. Сокращение штатов в свою очередь осуществляется не путем сокращения работников, а за счет уменьшения рабочего времени.

В современной науке бытуют различные мнения о границах вмешательства государства в рынок труда. К примеру, либералы полагают, что чем меньше государство вмешивается в процесс рынка труда, тем эффективней процесс управления занятостью населения. Сторонники кейнсианства считают, что государство должно принимать активное участие в процессе управления занятостью населения. Анализ выше нами описанных моделей политики в сфере занятости в развитых странах мира наглядно демонстрирует нам важную роль органов государственной власти в процессе управления занятостью населения. Именно государство разрабатывает нормативно - правовые, социально - политические и экономические механизмы управления процессами занятости населения. Например, реструктуризация глобальной экономики поставила задачу перед государствами Европейского Союза разработку новых механизмов регулирования процессами занятости - переход от социал-демократических к либеральной модели [4].

В настоящее время в стратегиях социально-экономического развития развитых стран мира особое внимание уделяется технологиям и механизмам эффективного государственного управления процессами занятости населения. Исследователи выделяют следующие методы государственного управления процессами занятости.

Административные методы: базируются на силе государства, содержат меры запрета, разрешения или принуждения. К ним относятся управление демографических и миграционных процессов; лицензирование деятельности предприятий, а также создание рабочих мест. Административные методы являются неотъемлемой частью хозяйственной деятельности государства.

Экономические методы: направлены на создание экономических стимулов рынка труда, и таким образом скорректировать их поведение для достижения эффективной занятости. Используя такие инструменты как налогообложение фонда, оплату труда, предоставление налоговых преференций, создающие и предохраняющие рабочие места государство стимулирует хозяйствующие субъекты для снижения уровня безработицы.

Организационные методы - применяются государством с целью создания социальных экономических условий для участников рынка труда. К основным инструментам организационных методов можно отнести составление территориальных схем дальнейшего развития рынка труда, организацию работы центров занятости, профориентацию и т.д. Разработка и реализация этих инструментов возлагается на органы государственной власти как центрального, так и местного уровня. Значительную роль в процессе управления занятости населения играют законодательные методы. Государственная политика традиционно опирается на законодательство и имеет нормативно-правовое исполнение, так как для эффективного функционирования рынка, конечно же,

необходимы новые законы, которые бы регулировали взаимоотношения между субъектами рынка труда [3, с.98].

В настоящее время, как и во многих государствах мира в Узбекистане применяется арсенал методов, позволяющих государству эффективно регулировать процессы рынка труда, такие как экономические, административные, правовые и т.д. Сегодня в стране существует, на наш взгляд, эффективная нормативно-правовая база в сфере трудовых отношений, реализуются государственные программы в области управления занятости населения, такие как: государственная программа по обеспечению занятости выпускников колледжей, лицеев, вузов; ежегодные государственные программы [5].

Формирование и развитие эффективной системы управления процессами занятости населения приведет не только к интенсивному экономическому росту, но и к стабильности общества. Думается, что сегодня в Узбекистане существуют все условия для дальнейшего повышения эффективности реализации целевых программ по вопросам занятости населения. Для этого необходимо сконцентрировать внимание общественности на реализацию следующих механизмов:

1. Формирование эффективной системы взаимоотношений государства, образовательных учреждений, бизнеса и институтов гражданского общества по вопросам занятости.

2. Ставка на частичную занятость в процессе решения этой проблемы является неоправданной, поскольку она порождает теневую занятость и как следствие теневую экономику.

3. Повышение транспарентности реализации государственных программ по вопросам занятости является одним из ключевых факторов эффективной политики в области занятости.

4. Важным элементом, влияющим на проведение эффективной государственной политики в области занятости, является разработка монетарных и немонетарных мер мотивации государственных служащих, осуществляющих деятельность в области занятости населения.

5. Для повышения роли органов местного самоуправления (махалли) по вопросам решения проблем существующих в управлении процессами занятости необходимо к данной деятельности привлечь специалистов в области социальной работы, социологии, экономики, социального менеджмента и др.

6. Местным органам государственного управления необходимо осуществлять свою деятельность не только по вопросам реализации республиканских программ, направленных на снижение безработицы, но и разрабатывать и реализовывать собственные региональные микропрограммы по сокращению безработицы с учетом специфики того или иного региона.

Литература:

-
1. Горбачева Г.П. Государственный механизм регулирования рынка труда // Экономика и современный менеджмент: теория и практика: сб. ст. по матер. XXVII междунар. науч.-практ. конф. - Новосибирск: СибАК, 2013. - С. 98.
 2. Зуб М.В. Стратегический менеджмент. - Москва, 2003. - 315 с.
 3. Мазин А.Л. Экономика труда. Второе издание, переработанное и доп. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - С. 48.
 4. Олегов Ю.Г. Экономика труда: учебник / Ю.Г. Олегов, Г. Руденко, Л.С. Бабынина. - Москва: Альфа-Пресс, 2007. - С. 56
 5. Ряд статистических данных взяты с электронного ресурса www.evronews.com

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Жиянмуротова Гулноз Шербутаева
доцент, Ўзбекистон Миллий университети

**ЁШЛАР ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан конкрет социологик тадқиқот орқали Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва Ёшлар иттифоқининг ёшлар электорати билан олиб бораётган ишлари таҳлил этилган ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклиф-тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: электорал маданият, сиёсий онг, ёшларга оид давлат сиёсати, сиёсий партия, фуқаролик жамияти, ёшлар ижтимоийлашуви

Жиянмуротова Гулноз Шербутаева
доцент, Национальный университет Узбекистана

**ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ С МОЛОДЕЖНЫМ
ЭЛЕКТОРАТОМ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье автором на основании конкретного социологического исследования проанализирована деятельность политических партий и Союза молодежи Узбекистана в работе с молодежным электоратом и предложены практические рекомендации по повышению эффективности их деятельности.

Ключевые слова: электоральная культура, политическое сознание, государственная молодежная политика, политическая партия, гражданское общество, социализация молодежи

Jiyanmuratova Gulnoz Sherbutaevna
associate Professor, National University of Uzbekistan

**ISSUES TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF WORKING WITH YOUTH
ELECTORATE**

ANNOTATION

In this article, the author, on the basis of a specific sociological research, analyzed the activities of political parties and the youth union of Uzbekistan in working with the youth electorate and offered practical recommendations for improving the effectiveness of their activities.

Key words: electoral culture, political consciousness, state youth policy, political party, civil society, youth socialization

Мустақилликнинг ўтган қарийб 27 йили давомида ижтимоий-сиёсий тузум ислохотлари бевосита фуқароларнинг сиёсат ва давлат бошқарувида иштирокини демократик тамойилларга асосланган ҳолда таъминлашга қаратилган ислохотларсиз амалга ошмади, албатта. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, сиёсий демократияга ўтиш асосида, авваламбор, фуқароларнинг ундаги англаниши иштироки, ҳокимият тизимида тўлақонли субъект бўлиш имконияти ва хоҳиш-истаги, бир сўз билан айтганда, сиёсий ҳаётда иштирок этиш маданияти туради. Бу ўз навбатида, маданият муаммосига унинг бошқарув жараёнларидаги роли нуқтаи назаридан ва авваламбор, электорал маданият муаммосига эътибор қаратиш зарурлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузасида: "халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоён этади. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажакига қандай қатта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этишидир" [1], деб таъкидлаган эди.

"Бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуқлиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда" [2, б.110].

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, жамият ва давлат ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга нисбатан масъуллиги, ҳар томонлама баркамол авлод сифатида шаклланиши давлат сиёсатининг долзарб масаласидир. Истиқболимизни белгиловчи бу муҳим стратегик вазифа кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Ҳозирги шароитда ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашуви ижтимоийлашув жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида долзарб масалалар қаторига кўтарилди. Айнан сиёсий ижтимоийлашув ёшларнинг сиёсат субъекти сифатида шаклланишида, сиёсий билим ва кўникмаларни эгаллаши, шу билан бирга, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашида муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан, ёшлар у ёки бу ҳулқ-атвор намуналарини, мослашувнинг психологик механизмларини, маълум бир жамиятга хос меъёр ва қадриятларни ўзлаштирса, бошқа томондан, жамият ёшларга юқоридагиларни тақдим эта туриб, уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида, сиёсий институтлар фаолиятига ва сиёсий жараёнларга интеграциясини белгилаб беради.

Мамлакатимизда ёшлар ижтимоийлашувининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини таъминлашга хизмат қиладиган кўплаб қонун, фармон, қарор ва давлат дастурлари қабул қилинди. Шу жумладан "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни [3], "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони [4], "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури[5] каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши сўнгги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлиги ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишда, уларни жамиятимизнинг сиёсий ҳаётига кенг жалб қилишга, ёшлар истиқболли гоаялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга, тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, ижтимоий-сиёсий фаолият билан шугулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт гоаялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда Ёшлар иттифоқи Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштиришда ўз олдига юксак вазифаларни қўяди.

Бугунги кун ёшлари Ўзбекистоннинг сиёсий келажagini кўп жиҳатдан белгилаб берувчи ижтимоий қатламдир. Ҳар томонлама баркамол ёшларимиз келгусида нафақат мамлакатимизнинг қиёфасини, балки ундаги сайловларнинг мақомини ҳам белгилаб бера олади. Сайловларнинг ҳокимиятни демократик жиҳатдан ташкиллаштиришнинг самарали омилга айланиши бевосита ёшларнинг ҳаётий кадриятлари ва ҳулқ-атвор намуналарига боғлиқдир. Сиёсий ижтимоийлашув муаммоси сиёсий социологиянинг энг долзарб масалалари қаторида туриши маълум. Айнан шу жараённинг мазмун-моҳияти ёшларнинг сиёсий жараёнлар ҳақида назарий билимларни ўзлаштиришидан тортиб то сиёсий жараёнларда тўлақонли субъект сифатида иштирок этиш кўникмаларига эга бўлиши, сиёсий жиҳатдан етук шахс сифатида шаклланишини назарда тутди. Бу сиёсий жараёнларда сайловлар муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, ижтимоий муаммолар ечимининг асосий социал жиҳатларини аниқлаш ва фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда ижтимоий ўзгаришларнинг потенциал субъекти сифатида эътиборни ёш авлодга йўналтириш муҳимдир. Мамлакатимиз аҳолисининг 64%ини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда потенциал иштирокчи эканлигига алоҳида ургу бериш лозим [6]. Шу маънода, сайловлар ҳодисасига ёшлар сиёсий ижтимоийлашуви, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этилишининг самарали механизмларидан бири сифатида ёндашиш ўринлидир.

Электорал маданиятнинг бошқарув шакли, амалий-эмпирик жиҳатларини ўрганар эканмиз, социологик тадқиқотлар ёрдамида мавжуд сиёсий муносабатларни миллий тажрибада олиб қараш ва унда биринчи навбатда мамлакат ёшларининг ижтимоийлашув жараёнларини тизимий ўрганиш имкониятига эга бўламиз. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда фуқаролик жамияти қурилиши жараёнларини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Жамият сиёсий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этувчисиёсий партиялар электорал жараёнлар субъектлари сифатида жамияттаги электорал маданиятнинг ҳолатини маълум бир маънода белгилаб бериш мақомига эга. Сиёсий партия - жамияттаги маълум бир социал гуруҳ манфаатлари ва мафкурасини ифодаловчи, ушбу манфаатларни қондириш юзасидан ҳокимиятга интилувчи сиёсий институтдир. Сиёсатшунос олим Ж.Сартори сиёсий партияларга жамият ва давлат ўртасидаги энг асосий воситачи сифатида таъриф бериб ўтди [7, б. 207].

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ўзнутқида "Қачонки, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, парламент фаолияти доирасида улар ўртасида

соғлом рақобат ва баҳс-мунозара муҳити шаклланса, шундагина вакиллик ҳокимияти органлари ҳам самарали фаолият кўрсатади"[8] деб таъкидлаганини эслаб ўтиш жоиз. Бу ўз навбатида ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувига ижобий таъсир кўрсатиб, уларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади.

Маълумки, сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг демократик институтларидан бири ҳисобланади. Россиялик олим Э.Я.Баталов фикрига кўра, сиёсий маданият сиёсий ҳаётнинг барча қобилларини қамраб олади ва ўзида сиёсий онг маданияти, партия ва гуруҳлар, индивидлар сиёсий хулқ-атвори маданияти, муайян мамлакатда фаолият юритадиган мавжуд сиёсий институтлар ва ташкилотлар маданиятини акс эттиради [9, 7].

Хуқуқшунос олим Одиқриев фикрига кўра, "сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир"[10, б. 89].

Электорал онг ва хулқ-атвордан иборат электорал маданиятнинг шаклланиши авваламбор шахснинг сиёсий ҳаётдаги иштирокидан бошланади, бу иштирок эса асосан сиёсий партиялар орқали амалга оширилади. Сиёсий партиялар ўз навбатида шахсларнинг хуқуқлари ва манфаатларини давлат сиёсати даражасига кўтариб чиқувчи социал институт ҳисобланади.

Демак, фуқаролар ўз хуқуқ ва манфаатлари таъминланишини назарда тутган ҳолда сиёсий партияларга аъзо бўлишга интилсалар, ўз навбатида сиёсий партиялар ҳокимиятда ўрнини таъминлаш мақсадида ўз тарафдорлари сонини, шу асосда аъзолари сонини ҳам кўпайтиришдан манфаатдор бўлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳам фуқароларнинг сиёсий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги аҳамияти салмоқли даражададир. Таъкидлаганимиздек, мамлакатда фуқароларнинг сиёсий маданияти юксалмас экан, хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти юзага келиши жиддий тўсиқларга учрайди. Шундай экан, ҳозирда республикамызда сиёсий партияларга алоҳида эътибор қаратилиб, уни ҳақиқатан давлат ва жамиятни боғловчи, фуқаролар сиёсий маданиятини юксалтиришга кўмаклашувчи демократик институт эканлигига ишонч билдирилмоқда.

Лекин сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган "Ёшлар қанотлари"нинг фаолиятини, қониқарли, деб бўлмайди. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда яшаётган

10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида ечилмаган ижтимоий муаммолар борлигини 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган ёшлар курултойида Президент Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтди: "Ҳозирги ахборот асрида бирорта сиёсий партиянинг Интернет сайтида ёшлар билан интерактив алоқа тизими йўлга қўйилмаган. Партиянинг сайтига кирган ёшлар ўзига керакли саволларга жавоб топа олмайди. Бу аҳволда партиялар ёшлар ўртасида қандай ўрин ва таъсирга эга бўлиши мумкин? Ҳолбуки, сиёсий партиялар аввало истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши лозим. Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг гоёвий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни гараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз" [11].

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда демократик сайлов тизими шаклланди. Бунинг энг асосий ва муҳим шакли мамлакатда кўппартиявийликни қарор топтиришидир. Сайлов тизимидаги кўппартиявийлик жамият аъзоларининг

сайловда номзодларга овоз беришида танлаш ҳуқуқини амалда таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади" [12, б.38].

Фуқароларнинг эркинлиги ва фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли муҳим. Маълумки, партиялар аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг стихияли (тартибсиз) шакллари ўз етакчилари томонидан назоратга олинган шакллар билан алмаштиради. Бу жиҳатдан партиялар сиёсий лоқайдлик ва одамларнинг фуқаролик пассивлиги билан курашда энг самарали воситалардан бири ҳисобланиб, конвенционал сиёсий иштирокни таъминлаб беради. Партияларнинг муҳим вазифаларидан бири фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашуви, уларнинг ҳокимиятга нисбатан иштирокчилик хусусиятлари ва кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2009 йил 1 июлдан кучга кирган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилганлиги уларга кўрсатилаётган ишончнинг маҳсулидир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда мавжуд бўлган 4 та сиёсий партия сайловолди ва сайлов кампанияларида ўз вазифаларини ёрқин равишда бажариб, республика президентиликка ўз номзодларини илгари суради. Президент Ш.М.Мирзиёев айтганидек: "Сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоён этади. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажакка қандай катта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этишидир. Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиёт дастуримизга берган ҳолис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз" [13, 8].

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қонунчилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиклик руҳида ўтиши ёшларнинг истиқболдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги оширишга бевосита хизмат қилади.

Ёшларнинг электорал маданияти ва сайловчи сифатидаги қиёфасини ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотда [16] сиёсий партиялар сони ҳақида берилган саволларга жавоблар шуни кўрсатдики, ёшларнинг аксарияти тўғри жавоб берган бўлсада, тўлиқ ва қисман "билувчи" ёшларнинг тўртдан бир қисми ўзларининг билимларини юқори баҳолаб юборган. Сиёсий партиялар сонини тўғри топишда тугалланмаган ўрта маълумотлилар (78,03) билан бир қаторда олий маълумотлиларнинг (77,33%) кўрсаткичлари юқори бўлди.

Сайловлардан кейинги жараёнлар билан қизиқиш, яъни сиёсий партиялар ва ўзлари овоз берган номзодларнинг кейинги фаолиятини кузатиб бориш электорал маданият шаклланганлигини кўрсатувчи муҳим белги ҳисобланади. Бунга кўра биз сайловларда нисбатан кўпроқ иштирок этганларнинг баъзида, 16–20 ёшлилар ичида эса "йўқ" жавобларининг юқорироқ келганини кўраемиз. Ҳар иккинчи ёш

ийгит-қиз баъзида кузатишини билдирса, ҳар учинчиси умуман кузатмаслигини билдириб ўтган. Бу шуни кўрсатадики, сайловларда овоз берган номзодларнинг кейинги фаолиятларини кузатиш ёшлар учун доимий фаолият мазмуни касб этмайди, шундай бўлсада, олий маълумотлиларнинг ҳар учинчиси мунтазам, ҳар иккинчиси баъзида кузатиб туришларини таъкидлаганлар.

Ёшларнинг мамлакатимизда фаолият юритадиган партиялар ҳақидаги билимларини ўзлари томонидан баҳолаганини таҳлил қилганимизда, ҳар иккинчи ёш тўлиқ (55,02%) ва ҳар учинчиси қисман (34,05%) маълумотга эга эканлигини таъкидлаган. Бу борада олий маълумотлилар тўлиқ, бошқа тоифадагилар эса қисман, деб баҳолаганлар. Бу шуни кўрсатадики, ёшларга сиёсий билимларни беришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва роли, шунингдек, уларда олиб бориладиган ижтимоий-сиёсий фанларнинг мазмун-моҳияти муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, сиёсий партиялар ҳақида маълумотга эга бўлмаган, буни ўзлари учун аҳамиятсиз, деб ҳисоблайдиган айрим ёшлар ҳам борлиги маълум бўлдики, уларнинг маълум бир қисмини уй бекалари ва нафақахўр ёшлар ташкил этди.

Шунингдек, бугунги кунда Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари, қўмиталар ҳақидаги саволларга жавобларда ёшларнинг ҳар тўртинчиси ўзининг бу борада етарли маълумотга эга, ҳар иккинчиси нисбатан камроқ маълумотга эгаллигини билдирган. Ўрта маълумотли ёшларнинг ҳар тўртинчиси (24,07%) қизиқиб кўрмаганлиги, бунинг унга аҳамияти йўқлигини билдирган бўлса, ўқувчи ёшларнинг ҳар бешинчиси (20,45%) энди албатта ўрганиб чиқишини маълум қилган.

Депутат ва сенаторларнинг фаолиятларини баҳолашда ҳар учинчи респондент профессионал даражада (34,05% ва 37,46%), ҳар бешинчиси эса профессионал қобилияти етишмайди (19,00% ва 18,10%) деган жавобни белгилаганлар. Ҳар тўртинчи респондент бу масалада жавоб беришга қийналишини билдириб ўтган.

"Сизга имконият бўлиб, депутатликка номзодингизни қўйиш таклифи берилса, нима деб жавоб берардингиз?" деган саволга, ҳар учинчи респондент албатта, рози бўлардим (39,96%), ҳар тўртинчиси менимча рози бўлсам керак (25,63%), ҳар бешинчиси жавоб беришга қийналаман (19,18%) жавобини берган.

Бугунги кунда вақтинча иш билан таъминланмаган ёшларнинг жавобларида нисбатан тенг кўрсаткичларни кўриш мумкин. Демак, бу ёшлар қарорлар қабул қилишда қатъий эмаслар.

Депутатликка ўз номзодини қўйишга тайёрлик билан ўзини депутатликка лойиқлигини баҳолаш ўртасидаги тафовут ёшлардаги яширин мотивацияларни аниқлаш имкониятини беради, шу мақсадда уларга "Агар сизга имконият берилса, ўзингизни халқ номидан депутатликка лойиқ, деб ҳисоблайсизми?" деган савол билан ҳам мурожаат қилинди, уларнинг ҳар учинчиси бу хусусда ўйлаб кўрмаганлигини (36,38%), ҳар бешинчиси лойиқ эмаслигини (19,18%) билдирган. Тугалланмаган олий ва олий маълумотли ёшларнинг ҳар иккинчиси ўзини лойиқ, деб ҳисоблайди. Ҳар иккинчи уй бекаси ўзининг депутатликка лойиқ эмаслигини қатъий билдирган.

Кўрииб турибдики, ёшлар ичида депутатликка ўз номзодини қўйиш истаги уларнинг ўзларини депутатликка лойиқлигини баҳолашларидан анча юқори даражада намоён бўлмоқда.

Бугунги баъзи бир ёшларга бевосита тўхталиб, уларнинг социал қиёфаларини таҳлил этиб, беихтиёр уларда кечаётган жараёнларга, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан бефарқликдан ҳайратга тушамиз. Улар кўпроқ кундалик юмушлар билан боғлиқ бўлиб қолган, мақсадлари унчалик аниқ бўлмаган, бирон-бир касб ёки ҳунар, илмни ўрганиш мақсадидан йироқ тоифадаги ёшлардир. Бундай ёшлар мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни аниқ идрок этмайдилар. Уларда жамият ва халқ тақдирига бефарқлик билан қараш кайфияти сезилиб туради. Бефарқ бўлиш уларнинг онгига сингиб қолган.

Албатта, бундай ёшлар озчиликни ташкил этади. Аммо, мазкур муаммо сабабларини ўрганадиган бўлсак, унинг илдизлари ёшларнинг бевосита оилавий тарбиясига, жамиятда янгича қарашларни онгига сингдира олмайдиган, руҳиятида стереотиплар мавжуд шахсларнинг уларга таъсир қилиши ва бошқа омилларга бориб тақалади. Бунинг натижаси ўлароқ, бундай ёшларда боқимандалик кайфияти, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга бефарқлик каби иллатлар кузатилади.

Бундай ҳолатларда фақатгина ёшларни айблаш нотўғри, сабаби бу муаммоларнинг илдизи аслида одатий турмуш тарзимизга айланиб қолган баъзи салбий одатларга бориб тақалади.

Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир сиёсий партия ўз нашрига эга бўлди. Бу нашрлар албатта ёшларнинг электорал маданиятини шакллантиришда ўзига хос роль ўйнайди. Шунинг учун бу борада сиёсий газеталарнинг ёшлар аудиторияси масаласига биз ўз тадқиқотимизда алоҳида эътибор қаратдик.

Тадқиқот натижаларига кўра ёшларнинг аксарият қисми (74,01%) бу газеталардан бирортасини ўқимаслиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан баҳо ўн йилча илгариги баҳога нисбатан бирмунча ижобий томонга бурилган бўлсада, улар нашрларида хали-ҳануз демократик тамойилларга асосланган рақобатни, ўз гоёларига нисбатан халқнинг эътиборини қаратишга нисбатан иштиёқни сезмаймиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сиёсий партиялар ҳозирги кунга келиб жамиятда ёшлар электорал маданиятини шакллантириш ва юксалтириш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Бу ишларнинг самараси, албатта, уларнинг бўлажак сайловларда ўз тарафдорларининг сонини ошиши истиқболини ҳам белгилаб беради. Ўз навбатида, ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз манфаатларини сиёсий партиялар доирасида ифода этиб, ўз келажаklarини ўзларининг қўллари билан барпо этадилар. Бу ўзида сиёсий ҳамда электорал жараёнларда ёшлар маданиятининг такомиллашуви даражасини намоён этади.

Охириги 27 йиллик тарихий даврга мустақил Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий мавқеини белгилашда бирмунча аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Улардан асосийси ёшларга доир давлат сиёсати ҳисобланади, чунки айнан шу сиёсат асосида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва муаммолари масалалари комплекс равишда ўз ечимини топади.

Ёшлар манфаатлари бўйича давлат сиёсати ҳар даврнинг долзарб масалаларига ўз диққатини қаратиш ва жамият тараққиётидаги муаммолар моҳиятини англаш билан узвийликда ривожланган. Шу боис, мустақиллик йилларида бир неча бор ёшлар масалалари доирасида давлат дастурлари қабул қилинган.

1996 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ёшларининг жамғармаси "Камолот" тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида ёшлар ташкилотларининг ривожини ва шаклланиш жараёнларини ўзига хос мураккабликларни бошидан ўтказди. 2001 йил 25 апрелда ташкил топган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳар доим ҳам давр олдида қўяётган долзарб вазифаларга уддабуронлик билан жавоб бериб, ўзида тадбиркорлик ва ташаббускорлик сифатларини намоён эта олмади. Шу боис, мамлакатдаги ёшлар ҳаракати сифатида мустақиллик йилларида бир неча бор "Камолот" фаолияти реорганизация, яъни қайта шакллантириш ва янгидан иш бошлаш жараёнларини бошидан ўтказди.

2017 йил 30 июнда "Камолот" ЁИХ IV қурултойида Президент Ш.М.Мирзиёев "Камолот" фаолиятидаги юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг албатта объектив ва субъектив сабабларини таъкидлаб ўтганлар. Унга кўра объектив сабаблар шундан иборатки, биз ўз вақтида "Камолот"ни жамоат ташкилоти сифатида тузиб, лекин ундан катта бир вазирлик вазифасини талаб қила бошладик. Унга жуда кенг, улкан вазифаларни топширдиг-у, аммо уларни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб бериш ҳақида, афсуски, етарлича бош қотирмадик. Оқибатда "Камолот" ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсага жавоб берадиган ва айна пайтда ҳеч нарсага жавоб бермайдиган, мўрт ва заиф бир тузилмага айланиб қолганини бутун қанчалик оғир бўлмасин, эътироф этишимиз керак [14].

Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган "Ҳуқуқ билимдонлари", "Сиз қонунни биласизми?", "Тафаккур синовлари", "Конституция - бахтимиз пойдевори" республика кўриктанловларини ўтказиш белгилаб қўйилган бўлиб, танловлар орқали ўқувчи-талабаларда ҳуқуқий билимларни янада ошириш ва мустаҳкамлашга эришиш ҳамда бу соҳада иқтидорли ёшлар аниқланади [15]. Шунингдек, танлов иштирокчи жамоалари билан бирга, тингловчи сифатида жалб қилинган кенг ёшлар қатламини ҳам ҳуқуқий онгини оширишга эришилади. Бу каби ёшларга ижобий таъсир этадиган танловлиги, ўтказишда тегишли вазирликлар ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасидаси доимий ҳамкорлик ўрнатилиши режалаштирилган.

Ёшлар жамият сиёсий тизимида қабул қилинаётган қонунлар, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, суд-ҳуқуқ ислохотлари, илғор ахборот-коммуникация технологияларининг истеъмолчиси ҳамда яратувчиларидир. Бундай имконият ёшларда, бир томондан, уларнинг сиёсий фаоллиги шаклланишига хизмат қилса, бошқа томондан, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини оширади. Ёшларнинг сиёсий фаоллиги, биринчи навбатда, ҳуқуқ воситасида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий муносабатлар, ёшлар учун яратилган ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи таъсирида шаклланади. Ёшлар ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шароитлари сиёсий билимлар доирасини белгилаб беради ҳамда сиёсатга нисбатан онли муносабатни шакллантиришнинг зарур шартини бўлади.

Демократик бошқарув сиёсий соҳадаги янгиланишларни талаб этади, ижтимоий-сиёсий фаолликка таянади, масъулият ва муносиб ворисийликка асосланади. Мазкур талаблар эса кўпроқ бевосита ёшларда мужассамлиги ёхуд ижобий самара бериши ҳамда самарадорлиги боис келажак ворислари зиммасига юқоридаги умумий талабларни қўяди. Келгусида ёшларнинг ўзи ҳам замонавий бошқарувнинг мазкур усулига таянади. Давлат бошқарувини ушбу демократик

талаблар асосида амалга ошириб, ёшлар истиқболини кўзлаб тўқис бажарганда, демократия жамиятда қарор топиб, реал воқеликка айланади. Ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига эътибор қаратилиши демократиянинг асосий талабидир. Демократик жамият умумбашарий ва миллий асосдаги маърифийликка таянади.

Бу эса жамият аъзоларининг, хусусан, ёшларнинг биринчи босқичда демократияни назарий жиҳатдан ўзлаштириб, уни идрок эта олишида кўринади, иккинчи босқичда ўз манфаатларини муайян ижтимоий гуруҳ, синф ва табақа манфаати билан боғлаб муносиб амалий фаолият орқали жамият сиёсий ҳаётидаги онгли иштироки билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, демократия қонунийлик, ошкоралик, кўпчиликнинг хоҳиш-иродасига ҳамда озчилик фикрларининг ҳурмат қилинишига асосланиши билан эътиборли бўлса, ёшлар ҳар қандай янгиликка мойиллиги, интилувчанлиги, ижод ва тафаккурга иштиёқмандлиги, истиқболли ворислиги билан аҳамиятли ижтимоий қатламдир.

Шу билан бирга, ёшлар доирасидаги ҳар турли деструктив кайфият ва қарашлар ҳам ўз салбий таъсирини жамият равнақиға ўтказади. Шу боис, ёшлар тафаккурида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ёт ва бузғунчи гоёлардан жамият ўзини бугун ҳимоялашга ўрганиши лозимлиги давр талаби бўлиб қолаверади. Бугун ёшлар тафаккурини соғломлаштириш келгуси жамиятнинг соғломлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, ёшлар сиёсатининг амал қилиш босқичларида ёшлар кайфиятлари, орзу-умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишлари ва қандай яшашга қизиқишларини илмий ўрганиш, улардан тўғри хулосалар қилиш, ёшлар интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатдаги ёшлар кайфиятлари ва уларнинг ислоҳотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш ва истаклари нуқтаи назаридан ўзига хос икки турдаги қарама-қарши вазият ва хусусият ўзини ёрқин намоеён этади:

- янгилик ва модернизация қилиш жараёнларига камарбасталик, улар моҳиятини чуқур англаш, ислоҳотлар мақсад ва мазмунини қўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзига ва идрокига ишонч, ўз салоҳиятини жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожини билан боғлаш, бунёдкорлик ишларига тайёрлик, очиқ назар билан қараш ва соф кўнгилчилик;

- Тартибга солиш даражаси бўйича - стихиялик, аниқ-тарихий ва бошқарув бўйича:

- Йўналиш бўйича - прогрессив ва регрессив (ривожланиб борувчи ва сусайиб борувчи)

- Тан олинishi бўйича - очик ва ёпиқ;

- Давомийлиги бўйича - қисқа ва ўзоқ вақт давомиди давом этиши;

- Оқим даражаси бўйича - макро, мизо ва микрожараёнлар;

- Объектив ва субъектив алоқалар бўйича - табиий ва ижтимоий.

Чикаго мактаби вакили Р.Парк ижтимоий жараёнлар типларини қуйидагича кўрсатади:[5; б. 64]

Кооперация. Ҳамкорлик, фаолият жараёнида ўзаро алоқадорлик, аниқ миқдордаги меҳнат қилувчиларни ўзаро бир ёки бир нечта бир-бирига алоқадор меҳнат жараёнларида иштирок этаётган меҳнат ташкилотларининг шакли, ҳамкорликнинг асосларини биргаликдаги ҳаракат ва умумий мақсадларга эришиши. Шундай қилиб, кооперациянинг ажралмас бир қисми - унинг аъзоларининг ўзаро манфаатдорликка интилиши;

Рақобат. Чекланган ва тенг тақсимланмаган имтиёз ва қадриятларга эга бўлиш учун шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги кураш. Рақобат, масалан, илм-фан ва санъатдаги тараққиёт каби ижобий натижаларга эга. Замонавий жамиятнинг барча ютуқлари эркин рақобатнинг рағбатлантирувчи қийматига боғлиқ;

Ўзлаштириш. Инсоннинг бошқаларнинг қилаётган ишларида иштирок этиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини тақлид қилиш қобилияти ва хоҳиши. Тақдимот, келишув ёки бағрикенглик сифатида намоён бўлади;

Конфликт. Фикрлар қарама-қаршиликларнинг ривожланишининг энг юқори босқичи муносабатларнинг ва манфаатларнинг бевосита тўқнашувларида намоён бўлади. Ушбу ижтимоий жараён иштирокчиларининг муҳолифлиги одатда салбий туйғулар билан бирга келади;

Ассимиляция. Жамиятнинг муайян бир қисми унинг ўзига хос хусусиятларидан маҳрум бўлган ижтимоий жараён, уларни ўзлаштириш ва бошқа қисми билан алмаштиради. яъни ассимиляция ҳар доим икки томонлама бўлиб қоладиган ўзаро маданиятга ўтиш жараёни. У ихтиёрий ва мажбурий ҳам бўлиши мумкин;

Амалгамизация. (бирлашма). Жисмоний шахслар ва гуруҳлар умумий маданиятга айланиш жараёнининг барча иштирокчилари билан биргаликда ўзаро маданий ютуқларга эришиш жараёни. Ассимиляция қилишдан фарқли ўлароқ, бирлашув жараёнининг яқунланиши гуруҳлар орасидаги чегараларни тўлиқ йўқ қилади, масалан, икки ёки undan ортиқ миллатнинг аралашуви натижасида бир одамнинг пайдо бўлиши;

Эндогамия. маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифадаги турмуш ўз социал гуруҳдан бошқа бир социал гуруҳ билан никоҳ тузишидир. Бу жараён ихтиёрий зарурат ёки мажбурий йўллар билан амалга оширилган. Мажбурий ёки имтиёзли эндогамия ибтидоий қабиланинг энг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.[6; 6.45]

Кундалик ҳаётда ижтимоий жараёнларнинг барча кўрсатилган шакллари параллел равишда ўзгариши, ўрин алмашиши ёки оқимларни вужудга келтириши мумкин. Ижтимоий жараёнлар бир-биридан тоқозо қилиши, қарши туриш ёки жой алмашишлари мумкин. Шу билан бирга, одатда, ижтимоий жараёнлар ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларнинг ва ҳодисаларнинг асоси бўлиб, улар тизимни тиклаш, сақлаш ва алмаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Ижтимоий жараёнлар кишиларнинг ижтимоий ҳаётда яқдил ва оммавий иштироки адолат, инсоф, садоқат сингари тушунчаларга эга бўлган умумий қарашларни таркиб топтиради. Давлат тузуми ҳамда жамиятнинг барқарорлигини сақлаш учун кишиларга мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан туғилиши мумкин бўлган сиёсий-ахлоқий ва иқтисодий маънавий ҳавфлар хусусида маълумотлар бериб бориш ҳамда уларни огоҳ қилиб бориш зарур. Шундагина уларда давлат ва жамият мустақамлигига доир масъулият пайдо булади ва давлат ва жамият ривожини учун қайғура бошлайдилар.

Ижтимоий жараёнлар - бу жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг ўзгариши демакдир. Ижтимоий жараёнлар йўналтирилган, йўналтирилмаган ностандарт, қайтариладиган ва қайтарилмайдиган, ўсиб боровчи ва сўниб боровчи, чизикли, қадамли, даврий ва спиралли турларда намоён бўлади.

Йўналтирилган жараёнлар - ўзларининг аниқ йўналишлари, ҳаракат мақсадлари, аҳамиятга эга бўлган жараёнлардир. Уларнинг натижаларини максимал аниқлик билан қабул қилиш мумкин. Мисол: никоҳ жараёни, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш жараёни. Бундай жараённинг натижасига қандайдир таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ташқи омиллар мавжуд. Бундай ижтимоий жараён никоҳ орқали вертикал социал мобилликни юзага келтиради.

Йўналтирилмаган ностандарт жараёнлар - олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнлар бўлиб, уларнинг натижасини аниқлаш қийин. Мисол: оиладаги низолар, ижтимоий ҳаракатларда сафарбарлик. Бундай жараёнлар кўп ёки камроқ ҳиссий жиҳатдан юз беради ва қўзғалиш натижада мантқиқий ва онгли ҳаракатга ўз таъсирини кўрсатади ва социал мобилликда кўпинча социал лифт кўринишларида намоён бўлади.

Қайтариладиган жараён - Бу тизим баъзи омиллар туфайли бир давлатдан иккинчисига ўтиб, кейин аввалги ҳолатига қайтганда ўзгаришларни кўрсатади. Лекин бу тизимнинг асл ҳолатига қайтишини билдирмайди. Табиийки, тизимнинг баъзи структуралари ўзгаришсиз қолади, ammo тизимнинг асослари ўзгаради. Қайтариладиган жараёнларда меҳнат миграцияси орқали социал мобиллик каналларига тушган кишилар ўз юртларига қайтганда ёки озодликдан махрум

бўлган шахсларнинг озодликка чиқишларинатижасида содир бўладиган социал мобилликка ҳос ҳолатдир.

Қайтарилмайдиган жараёнлар - Бу тўхтатиб турилиши ёки тескариси бўлмайдиган жараёнлардир. Масалан, ёшликни тўхтатиб туриш ёки қарилкдан ёшликка қайтиш. Бу жараён кўпинча ижтимоийлашувнинг сўнги босқичи бўлмиш меҳнатдан кейинги даврида содир бўладиган ҳолат бўлиб, бу жараёнда кишилар жамиятда адаптация даврини бошидан кечиради. Узоқ йиллар меҳнат қилиб, сўнг пенсияга чиқиб ҳам меҳнат жараёнини давом эттиришга интилаётган жамият вакиллари бундай жараёнларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўсиб борувчи жараён - Бу жараён ривожланиш ва тараққиёт сари интилиш жараёнида яъни ноль даражадан юқорига кўтарилишидир. Албатта бундай жараён ёшлар социал мобиллигида меҳнат карераси орқали лавозими ва ижтимоий мақомининг ўсиб бориши жараёнидир.

Сўниб борувчи жараён - Бу бор имкониятларни йўқотиб тараққиётдан қоқоқлик даражасига олиб борувчи жараёндир. Бу жараёнлар асосан жамият қабул қилган нормалардан оғиш оқибатида ижтимоий хавфли ҳулқ-атворнинг шаклланишидир. Ёки горизантал мобилликнинг аксил ҳаракати дир. Масалан, Собиқ иттифоқ империяси тугагандан сўнг жамият трансформациялашуви оқибатида партия лидерларининг обрўси ва аҳамияти тушиб унинг ўрнига хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг обрўси ва аҳамиятини ошиши бундай жараёнларни юзага келтирди.

Чизиқли жараёнлар - бу бир вақтнинг ўзида тараққиётга ҳамда қоқоқликка қараб интилмоқ демакдир. Масалан, жамиятга жорий қилинган бирор бир жараён миллий урф-одатлар, ўзлик, қадриятлар ва миллий маданиятни унутишга хизмат қилиши.

Қадамли жараён - у шундай жараёнки, тизимда босқичма-босқич ўзгариш содир бўладиган, аммо кейин турли омиллар таъсири остида тизимда сифат ўзгаришларига олиб келадиган бир жараёндир.

Даврий жараён - бу тизимнинг баъзи босқичлари мунтазам равишда такорланганда тизимнинг баъзи қисмлари ўзгаради.

Спиралли жараён - бу тизимнинг бошланғич ҳолатига қайтганда, лекин юқори сифат даражасида кўтарилган ёки камайиб борадиган ўзгаришдир. Масалан: талаба талабани ўрганиш жараёнида таълим жараёнидаги камчиликларни ва тизимга кўрсатаётган салбий ҳолатларни аниқлаш. [7; б.95]

Жамиятнинг моддий ёки маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги одамларнинг ўзига ҳос ўзаро таъсири ижтимоий жараённинг таркибий қисмларини аниқлайди. Жараённинг структуравий ва ташкилий тартибга солиниши унинг механизми бўлиб, унинг ёрдамида бир босқичдан жараённинг бошқа босқичига ўтиш ва муайян яхлитлик сифатида амалга оширилиши таъминланади ва бир босқичдан иккинчисига ўтиш тезлиги юқори ёки пастга йўналтирилган ривожланиш линиясини кўрсатувчи вектор билан тавсифланади.

Ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш ижтимоий жараёнларнинг омилларига, уларнинг оқимлари ва йўналишларига, ривожланиш жараёнларини тўхтатадиган тургун ҳодисаларни ўз вақтида аниқлашга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини кенг миқёсли социал тадқиқ қилиш ижтимоий жараёнларнинг характерини, хусусиятларини ва мақбул шароитларини белгиловчи жамиятдаги ижтимоий тузилмаларнинг ҳолатини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ёшлар мамлакатининг Юртимизда истиқомат қиладиган жами аҳолининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Демографларнинг тадқиқотларига қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг юқори суръатларда ўсиши яқин чорак асрда ҳам давом этади. 2025 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 40 миллион кишидан ортиши кутилмоқда.

Бу рақамлар фақат юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмай, балки у навқирон миллат сифатида ҳам катта интеллектуал имкониятларга эга эканини намоён этади.

Ҳозирги даврнинг кескин глобаллашуви, воқеаларнинг тезкорлиги ва биз яшаётган замоннинг сифат ўзгаришлари шубҳасиз ёшлар ҳаётига бевосита таъсир этмоқда. Ҳозирги даврдаги олиб борилаётган кенг-қўламли ислохотлар ўз натижасини бериши, мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш вазифалари ёшларнинг ижтимоий жараёнларда нечоғлик иштирок этаётганлигига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Под ред. Т.И. Заславской, Р.В. РЫБКИНОЙ. - Новосибирск: Наука, 2.изд., 2010. - С. 289; - С.185.
2. Б.А.Алиев, Ф.Рафиқов, Т.Султонов, М.Муллажонов, Б.Раҳмонов. Социология. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2005. - Б.170-177.
3. Козырев. Г. Социальные процессы и изменения // Социологические исследования-2005 - № 9
4. Т. Парсонс Система современных обществ. - М.: Аспект Пресс, 1998. - С. 17.
5. Филиппов Ф.Р. От поколения к поколению. - М.: Мысль.3.изд., 2012. - С. 64.
6. Роберт Парк Город как социальная лаборатория // Социологическое обозрение. - М., 2007.- С. 45.
7. Кравченко А.И. Социология менеджмента. - М.: Юнити, 1999. - С. 95.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Акромов Хусан Фуқатович
Mustaqil tadqiqotchi, O'zbekiston Milliy universiteti

ИШОНЧ СОЦИАЛ КАПИТАЛ СТРУКТУРАСИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-13>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ишонч инсон ҳаётидаги энг муҳим ривожланишнинг омили сифатида намоён бўлиши баён этилган. Ишонч тушунчасининг генезисига эътибор берилиб, ишонч маънавий бойлик сифатида акс эттирилган. Ишончнинг психофизиологик тавсифи, бошқарув тизими ишончнинг сунъий шаклини ҳосил қилиши ва унинг давомийлигини таъминлашга хайри-қоҳ эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: социал капитал, ишонч, маънавият, этнография, ирода, оппозиция, иймон, вербал-генетик, эмоционал-хиссий, теологик, психофизиологик, алтруистик.

Акромов Хусан Фуқатович
Независимый исследователь, Национальный университет Узбекистана

ДОВЕРИЕ КАК ОСНОВНОЙ ЭЛЕМЕНТ СТРУКТУРЫ СОЦИАЛЬНОГО КАПИТАЛА

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается, как доверие проявляется как фактор самого важного развития в жизни человека. Обращая внимание на генезис понятия доверие, вера отражается в качестве духовного капитала. Психофизиологическое описание доверия подчеркивается, является ли система управления благоприятной для формирования искусственной формы доверия и обеспечения ее продолжительности.

Ключевые слова: социальный капитал, доверие, духовность, этнография, воля, оппозиция, вера, вербально-генетический, эмоционально-чувственный, теологический, психофизиологический, альтруизм.

Акромов Хусан Фуқатович
Independent researcher, National University of Uzbekistan

TRUST AS THE MAIN ELEMENT OF THE STRUCTURE OF SOCIAL CAPITAL

ANNOTATION

This article describes the manifestation of trust as the most important factor of development in human life. Trust is reflected as spiritual capital. This article focuses on the Genesis of the concept of trust. The theological basis of trust is discussed. The psychophysiological characteristic of trust is given. Trust is a characteristic of expectations that is expected of humanity. The management system acquires an artificial form of trust and emphasizes ensuring the duration of the well-wisher.

Key words: social capital, trust, spirituality, Ethnography, will, opposition, faith, verbal-genetic, emotional-sensual, theological, psychophysiological, altruism.

Социал капитал - бу ҳаракатларни келтириб чиқарувчи муносабатлар мажмуидир. Ушбу муносабатлар бошқа агентлардан ўз мажбуриятларини санкция қўлласдан амалга оширишларини кутилиши билан боғлиқ. Ушбу кутилма ва мажбуриятлар концентрацияси бир вақтнинг ўзида умумлаштирувчи "ишонч" тушунчасини ифода этади. Мазкур ҳамжамиятда қанча кўп мажбуриятлар ҳосил бўлса, шунчалик ўзаро муносабатлардаги ишонч даражаси юқори ва шу асосда социал капитал даражаси ҳам юқори бўлади [1, б.17].

Ишонч амалга оширадиган ҳаракатларида муносабатлар асосий ва энг муҳим боғловчи восита сифатида ўзини намоён этади. Агар муносабатларни қўллашдаги масъулият мажбурлаш каби чораларни киритмаслигини ифода этса, у ҳолда ишонч кўприги ҳосил бўлади. Ишонч кўприги инсонлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Муносабатлар тизимидаги ишонч тушунчасининг кўпайиши ижтимоий алоқаларнинг барқарор ва давомийлигини таъминлайди ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни янги маънавий босқичга олиб чиқади.

Ишонч даражасини ўрганишдан аввал унинг маънавий тавсифини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ишончнинг маънавий тизимидаги ўрнини аниқлаш учун, уни анъанавий ҳалқ маданиятини ривожлантиришнинг махсус шакли сифатида, умумий ишлаш механизмларини билиш зарур. Маънавият инсон билан одамларни ва ўзи билан ўзининг муносабатларини тартибга солувчи механизмга эга десак муболага бўлмиди. Шу билан бирга, маънавиятга баҳо бериш, нафақат инсонларнинг алоҳида ҳаракатларида намоён бўлмоқда, балки уларнинг мустаҳкам сифатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Кўп эсрик анъаналарига эга мамлакат этнографиясида ҳамда замонавий этнологияда / антропологияда инсонларнинг ижобий сифатларини салбий ёмон ҳулқ эмас, балки маънавият ифода этади [2, б.31].

"Маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезонидир. Инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Ирода - бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир" [3, б.19,123]. Мазкур фикрдан кўришиб турибтики, ишонч инсонни маънавий улғайишининг ўлчаш воситаси сифатида акс этмоқда. "Маънавият ишонч ва адолатнинг намоён бўлиш қонуниятлари, анъана ва инновацияларнинг мувофиқлиги ёки номувофиқлигига хизмат қилувчи муҳим шароитларининг мавжудлиги асосида ривожланаётган халқ маданиятининг муҳим жиҳати ифодалайди. Маънавият эзулик мажмуий ҳамда маданияти сифатида дуал (билиш - билмаслик) оппозиция шаклида, қарама қарши белгилар билан ўзиде икки қутубни акс эттириб: мисол учун, эзгулик - ёвузлик, фойдали - зарарли, оптимизм - пессимизм, ғазаб - хурсандлик, ҳақиқат - ёлгон ва ҳоказоларни ўз ичига олиб яққол намоён бўлади" [2, б.33].

Демак ишонч маънавий ва маданий меъёрлар доирасида шаклланади ва жамият аъзолари ўртасида ўзига хос диний асосни ҳосил қилади. Ислом динида ишонч иймон сифатида қуйидагича акс эттирилган "Иймон (араб. - ишонч, эътиқод) Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш деганидир" [4, б.112]. Христиан динидаги

Павелнинг ҳаворийлар қилган ишлари ҳақидаги диний китобида шундай кўрсатилган "...умидни амалга ошириш ва кўринмайдиганга ишонишдир" [5, б.18-19]. Ушбу теологик қарашлар ишонда маънавий ахлоқни шакллантириб, келажакка ишончни ва умидни ҳосил қилади.

Ишонч худди диний эътиқод каби - иймонни ташкил этади. Лекин, диннинг объекти ва предмети бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси - яратган парвардигор (худо), гайритабиийлик, нариги дунё билан алоқадор, кузатилмас ходиса ҳисобланса, ишончнинг эса ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва кузатиладиган воқеаликнинг ички хусусиятига хос бўлишлиги ҳисобланади. Ишонч инсонни бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси - яратган парвардигор (худо) билан ёки худо хусусидаги инсонни инсонга бўлган муносабатини эмас, балки инсонни инсонга бўлган махсус кенгликлардаги муносабатини, ўзини ўз ёки бошқа бир субъектни ва ёки ўзининг ҳамда унинг ҳаракатларини (уларнинг шартларини, воситаларини, жараёнини ва натижаларини) бирор-бир субъектив ҳаққонийлик ёки тўғрилик дескриптивлиги (тасвири, қиёфаси) асосида вербал-генетик ва хиссий англаш ҳолатидаги субъектлараро муносабатларни ифодалашидир.

Ишонч ҳақиқатнинг эмоционал-хиссий "қирқим" жиҳатини ифодалайди. Субъект ўзининг хиссий кўринишида ўзини ўзи ёки бошқа субъектни ҳақиқатга тўғрилаш сифатида англаб тушуниб этади ва қабул қилади ҳамда ушбу тасаввурларга содиқликни сақлаб қолиб, токи одатдаги тажриба охиргисига нисбатан антогонист (бир бирига қарама қарши) бўлмагунича содиқликни сақлаб қолаверади. [5, б.20]

Ишонч илк бор теологик тушунчалар асосида шакллана бошлаганлиги учун ҳам эътиқодий асосда тавсиф этилган. Ишонч тушунчасининг дастлабки эътиқодий тавсифининг намунаси сифатида "Дин (арабча. Ишонч, ишонмоқ) - борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни худога муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир" [6, б.6] деб, талқин қилинганлигини кўришимиз мумкин. Ишонч эмоционал хиссий кўринишда умидни ифода этади. Ишонч инсон тафаккуридаги тасаввурни натижа олиш даражасига етказиб, ҳақиқатга эришишдаги эмоционал хиссиётни кучайтиради. Мазкур ҳолат ишончни диний кўринишини яъни, эътиқодий тавсифини шакллантиради.

Ишонч сўзини бир қатор тушунчалар билан ифодалаш мумкин: хис туйғу, психологик ҳолат, жараён, умид ва ҳаказо. Аммо, ушбу тушунчалар умумий асосга эга бўлиб, - бошқа инсонлардан компетентли ва (ёки) одоб-ахлоқ доирасидаги ҳаракатларнинг кутилган натижаси сифатида, кимгадир ёрдам беришга ёки ҳеч бўлмаганда зиён етказмасликка қаратилганлигидир. Ишонч - бу психофизиологик ҳолат бўлиб, компетентли ва (ёки) одоб-ахлоқ доирасидаги томонлар фаолиятини жалб қилган ҳолда ҳаракатларнинг ижобий кутилмасига асосланганлигидир. Д.Левиснинг концепциясидан фарқли равишда, ушбу кўриляётган ишонч тушунчаси ҳаракатлар билан тенглаштирилмаганлиги сабабли, ишонч - бу ҳаракатлардан олдин бўладиган психофизиологик ҳолат ҳисобланади. С.Робинсон позициясидан фарқли равишда биз ушбу тушунчани "ишонч" ва "иймон"га бўламыз, чунки ишонч - бу умид, ўзаро ҳаракат хусусиятига асосланганлик бўлса, иймон эса - объектив асослар йўқлигидаги қатъий ишонч ҳисобланади.

Биз шунингдек, П.Рингнинг позициясига қарши, "ишонч" ва "орзуни амалга ошишига амин бўлиш" тушунчаларини бир-бирига тенглаштирмаслигимиз зарур, чунки ишонч шубҳани борлигини инкор этмайди. Агар орзу, умид паст даражадаги ноаниқлик вазиятини тавсифласа, ишонч эса - анча юқори даражадаги ноаниқлик вазиятини тавсифлайди. Таклиф этилаётган "ишонч" тушунчасига берилган мазкур шарҳ П.Бромилнинг позициясига яқин бўлиб, у ишончни ушбу мажбуриятга мувофиқ тўғри ҳулқ-атвор умиди сифатида. Аммо биз, диққатимизани умиднинг нафақат тўғри, балки компетентлий фаолиятига қаратамиз.

Таклиф этилаётган шарҳлардан энг яқини Д.Руссонинг таърифи ҳисобланиб, унга кўра: ишонч психологик ҳолат бўлиб, шахсий заифликни қабул қилишни ўз олдига мақсад қилиб олувчи ва бошқалар ҳулқи ёки мақсадига нисбатан ижобий умидворликни кутилишига асосланишидир. Аммо биз, таърифлаётганимизда "ҳаракат" сўзини ишлатамиз, чунки фаолиятнинг алоҳида фаол тавсифини кўрсатиш учун ифодаланади, ваҳоланки "ҳулқ" эса кўпроқ реактив тавсифдан далолат беради [7, б.31].

Ишонч алтрустик тавсифга эга бўлиб, маънавий жараён сифатида инсоннинг ижобий психофизиологик ҳулқ-атворида намоён бўлувчи ёрдам бериш мақсадидаги кутилмани яъни умидни ифода этади. У ҳар қандай ҳаракатдан олдин амалга ошириладиган жараён сифатида тавсифланади. Бир тарафдан ушбу тавсиф умидни шакллантирса, иккинчи томондан диний асосларни шакллантиради. Айнан шунинг учун ҳам унинг ноаниқлик даражаси юқори баҳоланади. Ушбу баҳолаш асосида инсон ҳулқ-атворидан тўғри хатти-ҳаракат кутилади, яъни умид қилинади. Мазкур умиддан нафақат тўғри амалга ошириладиган хатти-ҳаракат балки, фаолиятдаги компетентли хатти-ҳаракатни амалга оширилиши кутилади. Доимий умидворлик шахсий заифликдан далолат беради, шунинг учун ҳам ҳаракат тушунчасига нисбатан ҳулқ тушунчасини ишлатиш умидворликни заифлик сифатида белгиланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ишонч муаммоси ҳақидаги мумтоз изланишлар социал капитал "ядро"си сифатида Ф.Фукуямага тегишлидир. Жамият аъзолари ўртасида ҳосил бўлаётган ишончга қараб, жамиятда аниқланган потенциал ёки унинг қисми сифатида Ф.Фукуяма социал капитални тавсифлайди. Ишонч социал капиталнинг бош элементи ҳисобланади. Фукуяма ишончни жамиятнинг аъзолари ўртасида ҳосил бўлувчи умид сифатида, бошқа аъзолар маълум даражада кутаётганларидек, виждонан ва атрофдагилар эҳтиёжларига эътибор билан, айрим умумий меъёрларга мувофиқ ўзларини тутишларини тушунади. Ушбу меъёрларнинг айримлари фундаментал қадриятлар соҳасига (мисол учун, Худони ёки адолатни тушуниш каби) тегишли бўлиб, лекин улар қаторига бутунлай аристократларга хос нарсалар, ўзини тутишнинг профессионал стандартлари ва корпоратив кодекслари киради.

Фукуяма жамият хўжалик ҳаётига маданият, социал капитал ва ишончни анчагина таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтган. Ишонч орқали бюрократик ишлар ва юридик расмиятчиликлар қисқариши ҳисобига ташкилот харажатларини анчагина пасайишига ёрдам беради. Шу асосда ишонч иқтисодиётда маданий омиллар тузулиш ҳосил қилувчи ролни ўйнайди [8, б.22].

Ф.Фукуяма ишончни марказий ўринга қўяр экан, унда у жамиятдаги аъзолар ўртасидаги энг муҳим муносабат тизими сифатида ишонч тушунчасини белгилаб,

жамиятнинг барча аъзолари тўплайдиган бойлик сифатида социал капитални тавсифлайди. Ушбу тавсифда жамият аъзолари бошқа аъзолардан жамиятда белгиланган меъёрлар асосида кутилганидек виждонан ўзларини тутишлари зарурлигини тушунишини эътироф этган. Албатта ушбу эътирофда Ф.Фукуяма юқори даражадаги илохий кутилмани яъни умидворликни тушунтиришга ҳаракат қилади. Умидворлик маълум даражада инсоннинг жамиятда ўзини тутиши борасидаги хатти-ҳаракатни профессионал шаклда амалга ошишини назарда тутди. Айнан шундай хатти-ҳаракат жамиятдаги иқтисодий харажатлар камайишини таъминлаши асосида маданий ҳулқ-атворни шакллантиради. Мазкур ҳулқ-атвор Ф.Фукуяма фикрича жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаши асосида жамият аъзолари ўртасидаги саиал капиталнинг ошишига хизмат қилади.

Ф.Фукуяма жамиятдаги айнан воқеа ва ҳодисаларни қуйидагича мисол тариқасида таҳлил қилади: "Бундан ҳам муҳимроқ жиҳати шундаки, айниқса ўзида йўқ хурсанд ахборотлашган давр тарафдорлар турли хил иерархия ва авторитетларнинг ҳалокатга учраши ҳусусида тантана қилаётганлиги бир даврда, муҳим принципиал нарса - яъни, барча иерархия ва авторитетларнинг ишонч ва этик меъёрлар умумийлигига асосланиши ҳақида унутиб қўймоқдалар. Инсоният ҳамжамияти ўзаро ишончга боғлиқдир, агар у мавжуд бўлмаса, демак у табиий йўл билан ҳосил бўлмайди.

Иерархиянинг зарурлиги шундаки, ҳамма ҳамжамиятлардан ҳам ихтиёрий ва давомий ёзилмаган этик қоидаларга риоя қилишини кутмаслигимиз мумкин. Қандайдир аъзолар сони ҳар доим асоциал шаклдаги фаол хатти-ҳаракатни амалга оширади, яъни - ё фаразли мақсадда, ёки одатдаги оддий "зараркунандалик" деб аталувчи - яъни, ташкил топган бирлашманинг тагини қовлаш ёки ўз ишончини суистеъмол қилишидир. Ҳамжамиятнинг янада каттароқ қисми, шунчаки бировларнинг ишончига кириб, уларнинг ҳисобига яшашни лозим кўрадилар, бу эса уларнинг мазкур жамиятдаги иштирокидан максимал фойда олишларига интилишни, аммо, эвазига эса ушбу жамиятга шунчалик кам хатти-ҳаракат беришларини назарда тутди. Шундай қилиб, иерархия шунга ўхшаш вазиятларни амалга ошириб бўлмаслиги сабаб керак ҳисобланади, қачонки ҳар қандай инсонга истаган вақтида ишониш мумкин бўлганида - яъни, яширин қабул қилинган этик қоидалар билан мос равишда яшай олса ва унга тегишли бўлган ҳамма нарсани бера олсагина ишониш мумкин бўлади" [9, б.21] деб таъкидлайди Ф.Фукуяма.

Ф.Фукуяма иерархия деганда вертикал кўринишдаги бошқарув тизимини, авторитет эса мазкур ва бошқа умумий тизимларнинг бошқарувчиларини назарда тутди. Ҳар қандай бошқарув тизими ҳозирги долзарб даврда социал гуруҳларни бир бирлари билан алоқага киришишларида ишонч ва маълум бир ёзилмаган этик қоидалар кўрсаткичлари асосида ҳаракат қилишларини кўришимиз мумкин. Аммо, айрим вазиятларда социал гуруҳлар мазкур ёзилмаган қоидаларга риоя қилмасдан, жамият аъзоларининг ишончига кириб, ушбу жамиятни емирилишига ва ҳаттоки таназуулига олиб борадилар. Айнан шунинг учун ҳам бошқарув тизими жамиятда мавжуд бўлиши лозим. Чунки, бошқарув тизими айрим ҳолатларда ишончнинг сунъий шаклини ҳосил қилади ва унинг давомийлигини таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Татарко А.Н. Лебедева Н.М. Социальный капитал: теория и психологические исследования. Монография. - М.: РУДН, 2009. - С. 17.
2. Губогло М.Н. Антропология доверия. Этносоциологические и этнополитические очерки. - М.: Издательский Дом ЯСК, 2016. - С. 31-33
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б. 19, 123
4. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б. 112.
5. Тарасевич В.Н. Современное доверие: содержание и кризис // Journal of institutional studies (Журнал институциональных исследований) // Том 3. - № 4. 2011. - С. 18-20
6. Фарфиев Б.А. Дин социологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. - Тошкент, 2018. - Б. 6.
7. Шмаков А.В. Воздействие фактора доверия на процесс принятия экономических решений / Terra Economicus. 2014. Том 12. №3. - С.31.
8. Татарко А.Н. Социальный капитал как объект психологического исследования. Монография. - М., 2011. - С. 22.
9. Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. Пер. с англ. / Ф.Фукуяма. - М.: ООО "Издательство АСТ": ЗАО НПП "Ермак", 2004. - С. 21.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Zaitov Eler Xolmamatovich
dotsent, O'zbekiston Milliy universiteti

ИНСТИТУЦИОНАЛ МУАССАСА БИТИРУВЧИСИДА ИНДИВИДУАЛЛИКНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-14>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада институционал муассаса тарбияланувчиси/битирувчисида индивидуалликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар таҳлили амалга оширилган. Бунда, институционал муассасанинг регламентлаштирилган шароитида тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар ҳаётий фаолияти давомида кечувчи социал ҳодиса ва жараёнлар батафсил ўрганилган.

Калит сўзлар: институционал муассаса, институционал муассаса тарбияланувчиси/битирувчиси, социал эксклюзия, социал изоляция, мажбурий социал адаптация, социал депривация, социал идентиклик, социал сепарация, субмаданиятлар, социал стигматизация.

Зайтов Элер Холматович
доцент, Национальный университет Узбекистана

ФАКТОРЫ ФОРМИРУЮЩИЕ ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ ВЫПУСКНИКА ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы социопсихологические факторы формирования индивидуальности воспитанника/выпускника институциональных учреждений. Также, подробно описаны социальные явления и процессы происходящие в жизненной деятельности детей и подростков в регламентированных условиях институциональных учреждений.

Ключевые слова: институциональное учреждение, воспитанник/выпускник институционального учреждения, социальная эксклюзия, социальная изоляция, вынужденная социальная адаптация, социальная депривация, социальная идентификация, социальная сепарация, субкультура, стигматизация.

Zaitov Elyor Holmatovich
associate Professor, national University of Uzbekistan

FACTORS SHAPING THE PERSONALITY OF A GRADUATE INSTITUTION

ANNOTATION

Sociopsychological factors of formation of personality of graduates of institutional establishments are analyzed in this article. It is also studied in detail social events and processing occurring in the life activities of children and grownups studying in the institutional establishments in regulated condition.

Key words: Institutional establishments, graduates of institutional establishment, social exclusion, social isolation, compulsory social adaptation, social deprivation, social identification, social separation, subcultures, social stigmatization.

Аксарият вазиятларда боланинг оиладан ташқарида тарбияланиши унинг институционал муассасага жойлаштирилганлигини англаталади. Ўз ўрнида институционал муассаса - бу етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар ва ўсмирларнинг узоқ муддатга тўлиқ давлат таъминотига олувчи ташкилотлар бўлиб, уларда 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг яшаши ва тарбияланиши учун зарурий шароитлар яратилган. Бундай муассасалар 0-3 ёшлилар учун гўдаклар уйи, 3-7 ёшлилар учун болалар боғчаси тартибида, 7-16 ёшли болалар учун умумий ўрта таълим мактаби тартибида ишлайди [1, б.116].

Муассасага жойлаштирилган бола илк болалик ва ўсмирлик даврида уч марта ижтимоий муҳитни ўзгартиради. Бу аввало "гўдаклар уйи", кейин макабгача болалар уйи ва ниҳоят мактаб-интернат бўлиб, улар ҳар сафар янги шароитга мослашишга, шахсият шаклланиши ва ижтимоийлашув жараёни фаол кечувчи асосий даврни ёпиқ шароитда ўтказишга мажбур бўлади. Боланинг институционал муассасада эканлиги унинг руҳиятини кемиради ва бартараф этиб бўлмас ижтимоий-психологик оқибатларга олиб келиши мумкин. Ота-она қаровисиз ўсаётган аксарият болаларда шунчаки шахс бўлиб шаклланишида "қолоқ"лик ёки ривожланмай қолиш эмас, балки бошқа механизмлар интенсив шаклланади. Улар болага маълум шароитларга мослашиш имконини беради ва шунга боғлиқ ҳолда унинг шахсиятидаги ўзгаришларга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муассаса тарбияланувчиси шахси деформациясининг омиллари сифатида биринчидан, она билан ҳар қандай алоқа ва мулоқотнинг узилганлиги, иккинчидан ижтимоийлашув ва социал адаптация жараёнининг бузилиши, учинчидан оила микромуҳитидан қудбан фарқ қилувчи жамоавий турмуш тарзи шароитига тушиб қолиши хизмат қилади.

Институционал муассаса тарбияланувчиси индивидуал хусусиятлари, уларнинг социал мақоми ва ҳаётий позициясини шакллантирувчи омилларни шартли равишда куйидагича туркумлаш мумкин:

1. Социал эксклюзия ва рад этилганлик.
2. Социал изоляция.
3. Мажбурий социал адаптация.
4. Социал депривация.
5. Социал идентиклик муаммолари.
6. Социал сепарация ва ички субмаданиятлар.
7. Социал стигматизация.

Демак, биринчидан, болалар ёки ўсмирларни интернат типигаги муассасага жойлаштирилиши оилавий муносабатларнинг сўнгги элементларини ҳам узилишига сабаб бўлади. [2, б. 181] Бу уларнинг социал эксклюзияси, яъни ота-она ёки яқин инсонлари (умуман жамият) томонидан социал рад этилганлигини англатиб Е.Н.Рябова ва Т.В.Кузьменколар таърифлаганидек: "Муайян кўрсаткичларига биноан ушбу ҳолат болада кечаётган социализация жараёнида узилишларга олиб келиб жамиятда рад этилган" индивидлар ёки гуруҳларнинг социал ҳолатини англатади" [3, б.52].

Институционал муассасада тарбияланаётган биологик ва социал етим болалар социал эксклюзия эҳтимоли юқори бўлган гуруҳга мансуб бўлиб, Э.Гидденснинг таърифлашича: "социал эксклюзия - аҳолининг айрим гуруҳларини бошқалардан ажратиб турувчи механизм"дир [4, б.228]. Унингча, эксклюзия - секинлик билан содир бўлувчи салбий жараён бўлиб, у индивид ёки гуруҳнинг жамиятдан узилиб,

тўлиқ ихоталанишга олиб келади. Рад этилганликнинг ҳар бир пиллапоёси тўлиқ эксклюзияга олиб келади ва худди қор уюми каби жамият социал иерархиясидан кишини борган сари пастга етаклайди. Шу тариқа фаол ижтимоийлашув жараёни кечувчи болалик ва ўсмирлик даврида интернат муассасаларида яшаётган болалар зарурий социал заҳиралардан маҳрум бўлганича қоладилар. Бу ўз ўрнида, болада социал рад этилганлик тўғрисида кучайтиради ва кейинги интеграция имкониятларини тушириб юборади.

Иккинчидан, муассаса тарбияланувчисига ўрнатилган "ҳеч кимга тегишли эмас"лик мақоми унинг жамият билан ўзаро муносабатлари тизimini издан чиқаради. Зеро, Й.Лангмейер ва З.Матейчикларнинг тадқиқотларидан аниқланишича социал муҳит билан мунтазам алоқа болада мотивация ва стимул вазифасини ўтайди. Аксинча вазият эса институционал муассаса тарбияланувчисининг социал-психологик ва жисмоний изоляциясига олиб келади [5, б.124].

Муассасада боланинг ҳаёт тарзи шундай қурилганки, у давлат томонидан тўлиқ таъминланади. Сунъий изоляция муҳотида ўрнатилган жамоавий яшаш тарзи, регламентлаштирилган шарт-шароитлар ва таълим-тарбия усуллари болада ўзига ўзи маиший хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаётий фаолиятни юритиш, шахсий иродавий хусусиятларни ривожлантириш кўникмаларинисуст шакллантиради. Аксинча, инфантилизм, боқимандалик, айрим вазиятларда ҳулқида оғишларга туртки бўлади. Оқибатда болада мустақил меҳнат қилиш, "ўз оёғида мустақкам туриш" иштиёқи ривожланмайди.

Учинчидан, етим ва ота-она қарамогисиз қолган болалар бир томондан ёпиқ турдаги институционал муассаса шароитига мослашишга мажбур бўлсалар, иккинчи томондан ижтимоийлашувнинг асосий институти саналган оила ва оилавий тарбиядан узилиб муассасага жойлаштирилгач адаптацион шокни бошидан кечиради. Бунда бола аллақачон мослашган муҳит билан одағий ўзаро муносабат социоген зарба натижасида йўқотилади [6, б.81].

Бу социал адаптациянинг бола учун нисбатан оғриқли босқичи бўлиб, бола дастлаб кескин қўрқув боис ҳаракатсиз бўлса, кейин содир бўлаётган ўзгаришларни мазмунини англашга уринади. Айнан манашу босқичда бола институционал муассаса ички муҳитининг барча талабларининг мажбуран ўзлаштириш заруратини англайди. Зеро, социал адаптация - шахс ижтимоийлашуви жараёнининг механизмларидан бири бўлиб, индивид фаолиятнинг маълум тури билан шуғулланиши давомида ихтиёрий ёки мажбурий тарзда ўзлаштирадиган ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий меъёр ва талабларда намоеён бўлади. Л.М.Растова социал адаптацияни шахснинг муайян жамоа (жамият)даги қатъий ўрнатилган социал қолиплар доирасидаги локал ҳатти-ҳаракати жараёни сифатида кўради [7, б.17]. И.А.Бобылева эса табиий кечувчи жараён сифатида адаптацияни кишининг социумдаги ўзгарувчан шарт-шароитларга имкон қадар тез мослашиб олиш ҳаракати сифатида баҳолайди [8, б.145].

Ихтиёрий адаптацияга биноан ижтимоий муҳит томонидан тақлиф этилётган шарт-шароитлар субъектнинг қадриятли мўлжаллари, эътиқод ва гоёларига зид келмайди. Аксинча, субъект олдида янги истиқболлар ва имкониятларни очди [9,б.132-136]. Институционал муассасада эса болаларнинг аксарияти ўзларининг қадриятли установакаларига зид бўлсада ўрнатилган меъёрларни қабул қилиши ва мажбурий адаптация босқичидан ўтишларига тўғри келади [10, б.8].

Н.В.Осипова етим ва социал етим болалар муассасани битиргач ҳам бутун умри давомида оила муҳити танқислиги ҳиссиёти билан яшайди. Айниқса, ҳулқида муаммолари бўлган ўсмирларда фарзандликка олиш имкониятлари йўқотилганлиги боис улар мунтазам муассасада яшайдилар. Бу эса уларнинг кейинги ижтимоий-касбий адаптация жараёнини янада мураккаблаштиради [11, б.56].

Тўртинчидан, В.И.Слущкий фикрича институционал ёки ички ёпиқ жамоа шароитида болада мулоқот қилиш, одатлар, симпатия, қизиқишлар, шахсий вақтни ташкил этиш каби эҳтиёж ва қадриятларнинг депривацияси содир бўлади [12, б.86-102]. Бола "ҳамма қатори" ҳаётий маконда танлов эркинлигининг чекланишига кўникишига тўғри келади. И.А.Климовнинг кўрсатишича: "Депривация (лот - *deprivatio* - йўқотиш, маҳрум бўлиш, бебаҳра қолиш) асосий эҳтиёжлар (психофизиологик ёки социал)ни қондириш имконини кескин қисқариши ёки тўлиқ йўқотилиши"дир [13, б.180].

Социал депривация эса В.А.Жмурова таърифи билан айтганда: "Индивиднинг бошқалар билан мулоқот қилиши, социумда функционал ва маданий ўзаро муносабат тизимида ўз ўрнига эга бўлиш имконини тушиб кетиши ёки уни мавжуд эмаслиги ҳолати" дир [14, б.31]. Натижада, муассасага жойлаштирилган боланинг жамият билан алоқалари издан чиқади ва унинг шахсиятига доир хусусиятлари комплекс ўзгаришга учрайди [15, б.168]. Институционал муассасада бола шахсияти депривацияси оқибатида агрессивлик сезиларли ўсади, намойишкорона ҳулқ, муҳолифатда бўлиш, хавотир ва қаршилиқ туйғуси кучайди.

Бешинчидан, муассасада боланинг фаолияти катталар томонидан тўлиқ тартибланган, чекланган. Фаолият турини мустақил танлаш имконини етишмаслиги боланинг ўз вақтини мустақил ташкил эта олмаслиги ва ўзини-ўзи банд қила олмаслигига олиб келади. Ўз фаолиятининг меъёрларини яратишга ўрганмаган ўсмир-тарбияланувчилар ички қоидаларга бўйсунмаслик, ахлоқ меъёрларини бузиш, катталарга зид ҳатти-ҳаракат орқали ички "МЕН"ини қондиради. Бунда уларнинг субмаданиятлари катта рол ўйнаб, улар муассаса тарбияланувчиси/ битирувчиси шахсиятини шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Институционал муассасаларда субмаданиятлар ўрнатилган тартиблар ва меъёрларга зид фаолият ва турмуш тарзига эга ўсмирларнинг бирлашуви натижасида шаклланади. Бунга уларнинг жипслашув, руҳий ҳимоя, англандликка бўлган эҳтиёж, ўзи кабилар орасида бўлиш эҳтиёжлари туртки бўлади. А.Стругацкий ва Б.Стругацкийларнинг ёзишича "Аслида улар қаёққадир эмас "аллақердан" қочадилар. Улар бизнинг дунёмизда ўз дунёсига қочадилар. Уларнинг дунёси бизникига ўхшамайди ҳам ўхшаш бўлиш ҳам мумкин эмас. Чунки уларнинг дунёси бизнинг дунёмизга қасддан ташкил этилади" [16, б.132-136].

Болалар муассасасининг ёпиқлиги боис ташқи дунё билан кенг қамровли муносабатлар ва алоқларнинг ўрнатилмаганлиги жумладан, турли социал институтлар, жамаотчилик ташкилотлари, алоҳида шахслар билан алоқаларнинг узилганлиги деликвент субмаданиятлар меъёрларини ўзлаштирилиши ва кейинги авлодга узатилишига олиб келади.

Олтинчидан, муассасада тарбияланаётган болаларнинг бошқа катталар ва болалар билан биргаликда ҳамкорлик қилиш имкони йўқ. Етим ва социал етим болалар дунёни "бизникилар" ва "бегоналар", "БИЗ" ва "УЛАР"га бўладилар, холос. В.С.Мухина болалар уйи тарбияланувчилари шахсий идентификацияси масаласи ўрганиб қуйидаги жиҳатларга аниқлик киритади:

Биринчидан, бу "БИЗ" феноменининг шаклланиши буни интернат типигаги муассаса тарбияланувчилари бутун дунёни "бизникилар - детдомликлар" ва "бегонлар - қолган барча одамлар" га бўладилар. "БИЗ" феномени ёпиқ муассаса шароитида ота-она қарамогисиз тарбия оқибатида келиб чиқади. "БИЗ" феномени оқибатида, муассаса тарбияланувчилари социал муҳитдан руҳан ва жисмонан четлашадилар.

Иккинчидан, "БИЗ" феномени муассаса тарбияланувчисидаги доимий эмоционал таранглик, хавотир ва агрессия, кўп миқдордаги тенгдошларга мослашиш зарурияти асосида пайдо бўлади.

Учинчидан, институционал муассасада ички муҳитнинг кескин лимитланиши, болада ўзини англаш учун зарурий ёлғиз қолиш имконини йўқлиги, мунтазам мажбурий ижтимоий алоқалар болалар ўртасидаги аномал негатив муносабатлар ва дайдишга мойилликни шакллантиради.

Тўртинчидан, институционал муассаса тарбияланувчиси, битирувчисида конкрет одам ва умуман жамиятга нисбатан қарамлик позициясини эгаллашга мойиллик шаклланиб, бу "улар (яъни, тўлиқ оила шароитида яшовчи кишилар) бизни таъминлашга мажбур" установакаларида намоён бўлади.

Еттинчидан, муассаса тарбияланувчисининг ҳаётий фаолиятирасмий ва норасмий қоидаларини ўрnatувчи ижтимоий институтлар доирасида кечади. Ушбу қоида ва меъёрлар доирасида шакланган ҳуқ-атвор муассаса тарбияланувчисига нисбатан муносабатда стереотипларни шакллантиради. И. Гофманнинг стигматизация (тамғалаш) назариясига биноан инсоннинг идеал социал идентиклик ва реал социал идентиклиги ўртасидаги узилиш унинг "тамғаланиши"га олиб келади [17, б.17].

Муаллифнинг фикрича барча инсонлар у ёки бу даражада "тамғаланган" бўлиб, улар ўз ўтмиши, социал мақомининг жамият томонидан ўрnatилган меъёрларига мос келмасликнинг қурбонига айланади. Ушбу назарияни ўрганган Ж.Ритцер "Гофман у ёки бу вазият, макон ва замонда биз барчамиз тамғаланиб қолишимиз мумкинлиги ҳақида гапирди" - дейди [18, б.271]. Социал стигматизация эса муассаса тарбияланувчилари томонида қайд этилган ва уларга нисбатан қўлланиладиган одатий ҳолатлардан биридир.

Демак, институционал муассасаларда болаларнинг деярли барчаси барқарор ривожланишда қийинчиликларни сезади. Зеро, бола бу билан ўз олдидаги қийинчиликларни енгиб, ўз қобилияти ва имкониятларига ишонч ҳосил қила олиши ҳамда атрофдагилар томонидан тан олишини лозимлигини кўрсатади. Бунда;

- болалар имкон қадар ўзига тенгдош болалар билан муносабатда бўлишлари, ҳаётий тасавурларга эга бўлиши, уларнинг ижтимоий мослашуви эса улар учун оддий ҳаёт тарзини ва очиқ жамиятнинг оддий шартларини оддий тажрибада қўллаш олишга асос бўлиши;

- болалар институционал муассасаларида тарбиячи лавозимида ишлаётган педагоглар, дефектолог, психолог каби мутахассисларнинг янги инновацион усулларни қўллаш, махсус коррекцион-тарбиявий ёрдамни тарбияланувчиларга талаб даражасида кўрсатиш, айниқса, институционал муассаса тарбиячиларида кўп нуқсонли болалар билан таълимий коррекцион ишларни тўғри уюштириш малакасини ошириш имкониятини яратиш;

- таълим олиш қурбига эга бўлган тарбияланувчиларининг ривожланиш даражасини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур,

- институционал муассасаларни битирган ёшларни таълим олиши ва бандлигини таъминлашни мувофиқлаштириб боровчи давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат миллий ва ҳудудий кенгашлар ташкил этиш, мазкур кенгашларга жамоатчилик фаолларини жалб этиш;

- мутассадди муассасалар, ташкилотлар ҳамда тегишли мутахассислар иштирокини таъминловчи соҳалараро комплекс хусусиятли ёндашувга асосланган ногирон болаларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-тиббий муҳофазалашга йўналтирилган тизим фаолиятини йўлга қўйиш ва имконият чекланган болалар эҳтиёжлари ҳаритасини ишлаб чиқиш, қиссий таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммолар ечимини топиш;

- институционал муассасда тарбияланаётган болаларнинг жамиятга интеграцияси давомида юзага келаётган сунъий тўсиқлар, мавжуд стереотиплар таъсиридаги муносабатни ижобийлаштириш мақсадида жамоат назорати тизимини шакллантириш, ижтимоий ҳамкорликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Социальная защита детей в Узбекистане: наука и практика. Монографический сборник. - Ташкент: Spectrum Media Group, 2015. - С. 116.
2. Назарова И.Б. Адаптация и возможные модели мобильности сирот // Научные доклады. - № 120. - М., 2000. - С. 181.
3. Рябова Е.Н., Кузьменко Т.В. Социальная работа с социально-исключенными группами населения. - Саранск, 2010. - С. 52.
4. Гилденс Э. Социология. - Ташкент, 2000. - 221 б.
5. Корель Л.В. Социальная адаптация: этюды апологий. - Новосибирск, 1997. - С. 124.
6. Осипова Н.В. О понятии "социальная адаптация" и сопровождении социально-профессиональной адаптации детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей // Профессиональное образование в России и за рубежом. - №1 (17). 2015. - С.81.
7. Бобылева И. А. Педагогические условия постинтернатной адаптации выпускников образовательных учреждений для детей-сирот и детей, лишенных родительского попечения. Автореф. дис. канд. пед. наук. - Владимир, 2000. - С. 17.
8. Осипова Н.В. Деятельность педагогических работников по сопровождению адаптации детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей // Профессиональное образование в России и за рубежом. - №4 (20). 2015. - С. 145.
9. Слущкий В.И. Феномен общественной собственности и его влияние на формирование личности воспитанников детских домов // Вопросы психологии. - М., 2000. № 5. - С. 132-136.
10. Климова И.А. Депривация // Большая российская энциклопедия. - Москва: БРЭ, 2007. - Т.8.
11. Жмуров В.А. Депривация социальная. Большая энциклопедия по психиатрии. 2-е изд. 2012. [Электронный манба]: http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Социальная_депривация&oldid=89386843.
12. Астьянц М.С. Социокультурная детерминация личностных характеристик несовершеннолетнего в условиях депривации: Дис. ... канд. социол. наук. - Ростов н/Д., 2003. - С. 86-102.
13. Валиева П.В., Магомедалиева З.М. // Социально-психологическое развитие воспитанников детского дома // IV Международная студенческая электронная научная конференция "Студенческий научный форум", 15 февраля-31 марта 2012 года. [Электронный ресурс]. <http://www.rae.ru/forum2012/324/3295>.
14. Стругацкий А., Стругацкий Б. Отягощенные злом, или сорок лет спустя // Юность. - М., 1988. № 6. - С. 31.
15. Хвостов А.А. Решение проблемы дисциплины в детских домах США // Лишенные родительского попечительства: Хрестоматия / Ред.-сост. В.С. Мухина. - М., 1991. - С. 168.
16. Слущкий В.И. Феномен общественной собственности и его влияние на формирование личности воспитанников детских домов. // Вопросы психологии. 2000. № 5. - С. 132-136.
17. Goffman E. Stigma. Englewood Cliffs. New York: Prentice Hall, 1963.
18. Ритцер Дж. Современная социологическая теория. 5-е изд. - СПб.: Питер, 2002. - С. 271.

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Абдувалиева Мумтозхон Асилбековна
Докторант, Национальный Университет Узбекистана

СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В ГЕРМАНИИ



